



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI  
TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUT REKTORINING

BUYRUG'I

20 19 yil " 02 " 05 368 -son Toshkent sh.

Институтда 2019 йил май ойини  
“Спорт ойлиги” деб эълон қилиш  
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15  
апрелдаги баёни (23.04.2019 й., №14-14/1-7712) ҳамда Ўзбекистон  
Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30  
апрелдаги 87-04-866-сонли хати ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15  
апрелдаги баёнига (23.04.2019 й., №14-14/1-7712) асосан 2019 йил май  
ойи институтда “Спорт ойлиги” деб эълон қилинсин.
2. “Спорт ойлиги” давомида мусобақаларни юқори савияда ўтказиш бўйича  
Ишчи гуруҳ таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Тиббий ва биологик кимё кафедраси мудирини Х.О.Нуралиева, ёшлар  
билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғини Н.Х.Ашурова,  
фармация факультетини декани О.И.Худойбердиев, саноат фармацияси  
факультетини декани Х.Ш.Илхомов, “Мураббийлар” кенгаши раисини  
Н.С.Салимсаковаларга:
  - 3.1. Мусобақаларни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар режасини  
ишлаб чиқилсин ва тасдиқлансин.
  - 3.2. Мусобақалар бўлиб ўтадиган спорт иншоотлари ва майдонлар тартибига  
келтирилсин, иштирокчилар хавфсизлигини таъминлансин.
  - 3.3. 2019 йил 1 май куни соат 10-<sup>00</sup> да институтда “Спорт ойлиги”га  
тантанали старт берилганлигини инобатга олинсин.
  - 3.4. Институтдаги таниқли спортчилар иштирокида “Мастер класс” ва  
учрашувлар ташкил этилсин ҳамда ҳар бир бўлим, раҳбарият ва  
факультет жамоалари “Спорт ойлиги”га қамраб олинсин.
  - 3.5. Спорт мусобақаларининг очилиш ва ёпилиш тадбирларида бадий  
жамоаларнинг иштироки таъминлансин.

- 3.6. "Спорт ойлиги" давомида намуна кўрсатган "Энг яхши бўлим", "Энг яхши факультет", "Энг яхши спорт жамоаси" каби номинациялар бўйича ғолиб ва совриндорлар моддий ва маънавий рағбатлантирилсин.
- 3.7. "Спорт ойлиги" бўйича шаҳар ва республика мусобақаларига жамоалар тайёрлансин ҳамда иштироки таъминлансин.
4. Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Н.Х.Ашуровага:
- 4.1. Амалга оширилган тadbирлар юзасидан ҳар ҳафта якуни бўйича ҳисоботлар вазирлик ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" марказига (rtsu@edu.uz) тақдим этилсин.
5. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 апрелдаги 87-04-866-сонли хати.

Ректор

И.И.Алимджанов

ASLIGA TO'G'RI

